Ушбу сонда:
2 ОЙЛИК МАОШЛАР БЎЗДА КЕЧИКАЯПТИ НЕГА?
3 TV — ДАСТУРИ
4 *Қадимшунослик* ИШТИХОН — САККИЗ АРИҚМИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 13 май, сешанба № 74 (1499)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«МЕН ЎЗБЕК ШОИРИМАН...»

Мамлакатимизда миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиёти йўлига бағишлаган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг кўплаб улуғ фарзандлари номини тиклаш, қадрини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли хайрли ишларнинг самарасидир.

Истиқлол йилларида номи муносиб равишда қадр ва эъзоз топган, хусусан, давлатимиз раҳбари Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган ана шундай ватандошларимиздан бири - атоқли ўзбек адиби, академик Ғафур Ғулом таваллудига 100 йил тўлди.

Таъкидламоқ жоизки, мамлакатимизда адиб юбилейига катта тайёргарлик кўрилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори қабул қилинди. Ана шу қарорга мувофиқ Тошкентнинг Арпапоя кўчасидаги Ғафур Ғулом уй-музейи қайта таъмирланди. Асарлари қайта нашр этилди. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисолалар босмадан чиқди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги адиб ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган танловда ўттиздан зиёд профессионал ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарош ўзининг ижодий иши билан қатнашди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги хушманзара боғда энг муносиб деб топилган лойиҳа - ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ва архитектор Валерий Акопжанян ижоди асосида Ғафур Ғулом ҳайкали қад ростлади.

10 май. Адиб ҳайкали ўрнатилган боғ байрамона безатилган.

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, шоирнинг мухлислари, жамоатчилик вакиллари, қариндош-уруғлари йиғилди.

Соат 9.45. Тантана иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросимни Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов очди.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилди.

- Бугун Ўзбекистонимизнинг маданий ва маънавий ҳаётида катта бир воқеа, - деди давлатимиз раҳбари. - Бугун халқимиз ўзининг севимли шоири, буюк адибимиз, академик Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйини нишонламоқда.

Домла Ғафур Ғулом шахси, хотираси ва мероси ҳақида гапирганда, биз бу улуғ инсонни, аввало кенг, том маънода халқ шоири деб қиёс этамиз, унинг ўлмас номи ва сўнмас ижоди олдида бош эгамиз.

Халқимизнинг асл табиати, теран маънавиятини, орзу-интилишларини ҳақиқий ўзбекона тил ва тафаккур билан ифода этган, адабиётимизнинг яқин тарихида камдан-кам топиладиган Ғафур Ғуломдай беназир ижодкор кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Ўз сиймосида халқни халқ, миллатни миллат қиладиган эзгу фазилат ва аломатларни мужассам этган бу забардаст сўз санъаткори «Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман» деганида мутлақо ҳақ эди.

Ғафур Ғуломни биз аваламбор Ўзбекистонимизнинг табаррук тупроғини жон-дилидан севган, ўз тақдирини она юрт тақдири билан чамбарчас боғлаган, бошига дўпписини дол қўйиб, жаҳонга бағрини кенг очиб, ўзининг оддий ва соддалиги, айни пайтда буюклиги билан ажралиб турадиган инсон сифатида тасаввур этамиз, дея таъкидлади Юртбошимиз.

Ғафур Ғулом ижодининг яна бир ажойиб қирраси - муқаддас Ватанимизни улуғлашда, бепоён ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғу тош ва дала-даштларида яшайдиган одамлар қалбида она юртга муҳаббат ва ғурур-ифтихор уйғотишда айниқса яққол кўринади.

Ўз халқининг шаъни ва обрўсини дунёга тараннум этишни, керак бўлса, уни ҳимоя қилишни дил амри, виждон иши деб билган Ғафур Ғуломнинг шўро давридаги турли тазйиқларга қарамай, «Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир» дея баралла айтган сўзлари ҳар биримизнинг ғууримизга ғурур, фахримизга фахр қўшади, албатта.

Ўйлайманки, унинг юртимизни, миллатимизни камситмоқчи бўлган айрим кимсаларга қарата, бизнинг аждодларимиз логарифманинг мураккаб масалаларини ҳал қилган пайтда, сизларнинг ота-бобонгиз ўн бармоқни ҳам санай олмасди, деган шеърий жавобини бугун ҳам кўпчилик яхши эслайди.

Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлиб турган мустабид бир замонда мана шундай дадил фикрларни айта олган буюк шоирнинг маънавий жасорати олдида таъзим қилсак арзийди.

Ғафур Ғулом ҳақида сўз юритганда, биз аввало бу инсонга худонинг ўзи ато этган яна бир хусусиятни - унинг табиатига хос бўлган юксак инсонпарварлик фазилатини айниқса қадрлаймиз, - деб сўзида давом этди мамлакатимиз раҳбари. - Миллатимизнинг қонига, суяк-суягига сингиб кетган бундай эзгу туйғуларни зўр маҳорат билан баланд пардаларда куйлаган бу улуғ ватандошимизнинг ижоди шу боис ҳам жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида шуҳрат қозонган.

Ғафур Ғулом ўзининг «Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим» деган шафқат тўла сўзлари билан Иккинчи жаҳон урушида ота-онасиз қолган, турли миллат ва элатга мансуб бўлган минглаб етим болаларнинг бошини силаган ўзбек халқининг бағрикенглигини, чексиз меҳру саховатини бутун дунёга кўрсатиб берди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ғафур Ғуломдек буюк зотнинг ижодий мероси ҳақида, унинг беқиёс аҳамияти ҳақида кўп гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Буни шоир ижодининг мухлислари бўлган сиз азизлар яхши биласиз,- деди Юртбошимиз. - Бугун Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Ўзбекистонимизнинг олис-яқин барча жойларида адабиёт ва санъат аҳли, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз илмий анжуман ва мушоиралар, учрашув ва хотира кечалари ўтказиш орқали бу улуғ инсонга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этмоқда.

Шоир туғилиб ўсган, ўзи чексиз меҳр билан улуғлаган азим Тошкент шаҳридаги энг чиройли боғда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар билан доимо гавжум бўладиган гўзал масканда қад ростлаган мана шу улуғвор ҳайкал ҳам халқимизнинг Ғафур Ғулом даҳосига бўлган ҳурмат ва эҳтироминнинг яна бир тимсолидир.

Йиллар, асрлар ўтади. Ишонаманки, келажак авлодларимиз Ғафур Ғуломнинг ҳали кўп-кўп таваллуд тўйларини нишонлайди,- қайд этди Ислом Каримов. - Шубҳа йўққи, бу улуғ зотнинг Ватанга садоқат, ҳаётга, инсонга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган бетакрор асарлари янги наслларнинг ҳам маънавий-руҳий шаклланишига, ёшларимизнинг камолотига хизмат қилади.

Фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш ва шу ҳаётдан баҳраманд бўлиб яшашида доимо ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб туради.

Ва бу буюк шоир яқин тарихимизда яшаб ўтган ўнлаб маданиятимиз намояндалари қаторида ўзбек адабиёти ва санъатининг ёрқин машъали бўлиб қолади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, - деди Президентимиз пировардида. - Ғафур Ғуломнинг асарлари, номи ва хотираси боқий бўлсин.

Давлатимиз раҳбари шоир ҳайкали қад ростлаган ушбу боғни Ғафур Ғулом номи билан аташ таклифини билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ғафур Ғуломнинг қизи Олмос Аҳмедова, адибнинг ўғли Хондамир Ғуломов, ёш шоир Иқбол Мирзо бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш, асрабавайлаш ва улуғлаш йўлида кўрсатаётган катта ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Тадбир якунида Президентимиз Ғафур Ғулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

А.ТЎРАЕВ (ЎзА)
олган суратлар

«Умид ниҳоллари — 2003»

МАШЪАЛА ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Эртага қадим ва гўзал Хоразмда мактаб ўқувчиларининг анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Куни кеча Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш марказида қуёш иссиқлиги ёрдамида ёндирилган мусобақа машъаласи Хоразмга йўл олди. Машъала Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудларидан Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Беруний шаҳарлари ва Амударё орқали мусобақанинг очилиш маросими бўлиб ўтадиган Урганч шаҳрига етказилади. Қарийб 1200 километр масофани босиб ўтадиган мусобақа машъаласини юртимизнинг энг кучли спортчилари манзилга етказмоқдалар. Улар Шавкат Исматуллаев, Олим Жонхўжаев, Рустам Отабоев, Темур Юсупов, шунингдек Владимир ва Андриян Хиценколардир. Машъалани ҳар бир ҳудуддан тантанали равишда олиб ўтиш мақсадида ёш спортчиларимизга махсус жиҳозланган оқ рангли «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари ҳамроҳлик қилмоқда.

Дарвоқе, мусобақа машъаласи тузилишида рамзий маънолар мужассам. Мисол учун, чинор дарахтидан тайёрланган дастак — халқимизнинг мустаҳкам иймон ва иродаси, соғлом турмуш тарзидан далолат. Ўн икки айланма халқа ёшларимизнинг мучаллари бутунлиги, сариқ металлдан ясалган янги ой, юлдузлар ва гумбаз элементлари эса озодлигимиз, тинч ва фаровон ҳаётимиз тимсолидир.

Эртага Хоразмда бошланадиган катта байрам – «Умид ниҳоллари» мусобақасининг муҳим аҳамияти шундаки, у ўрта мактабларда билим олаётган миллионлаб ёшларимизни спортга ошно этиш, спортнинг олимпия, ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантириш орқали ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, қолаверса халқаро майдонларда Ўзбекистон спорти нуфузини оширишга беқиёс хизмат қилади.

А.ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

МЕТАЛЛУРГЛАР ҒАЙРАТИ БАЛАНД

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металлар парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Комбинатни хомашё билан таъминлашнинг апрел ойи якунларига бағишланган ушбу йиғилишда тегишли вазирликлар, идора, уюшма, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бекободлик металлурглар ташкилотлардан йилнинг биринчи чорагида режадагидан салкам тўрт ярим минг тонна кўп иккиламчи металл хомашёси қабул қилиб олган эди. Бу эса мамлакат иқтисодиётида катта аҳамият касб этувчи корхонанинг барқарор ишлашини таъминлади. 116,9 минг тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 106,3 минг тонна тайёр металл прокати етказиб берилди. Айни чоғда республика халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қурилиш арматуралари, кон-металлургия саноатида ишлатиладиган пўлат зўлдирларни четдан келтиришга барҳам берилди. Бундай маҳсулотларни четга чиқариш, валюта захираларини иқтисод қилиш имконияти кенгайди.

Апрел ойида корхона тарихида илк бор 47 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. 13 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Айни пайтда комбинат тўла қувват билан ишлатилса, ойига 60-65 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзметкомбинат»га йилнинг биринчи чорагида иккиламчи металл хомашёси топшириш бўйича ҳукумат топшириғи мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ортиғи билан бажарилди. Лекин апрел ойида белгиланган режа уддаланмади.

Йиғилишда металл парчаларини қайта ишлашга топшириш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар олдига белгиланган жадвалга қатъий риоя этиш, апрел-май ойларидаги режани 1 июнга қадар бажариш вазифаси қўйилди.

НАМУНАЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИ

– Республикада телекоммуникацияни ривожлантиришнинг 2010 йилгача қабул қилинган дастурининг биринчи навбатида Япониянинг 78500 рақамли телефон ускуналари ўрнатилиб, алоқа хизмати яхшиланди, - деди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қорақалпоқтелеком» филиали раҳбари Қайрат Таженов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Дастурнинг иккинчи навбати учун Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки (JDIC) ҳисобидан кредит ажратилиб, тендер ишлари ўтказилди. Лойиҳада республиканинг Тахтакўпир, Қораўзак, Қонликўл, Чимбой, Амударё туманларида 9,5 минг телефон рақамларини кўпайтириш ва янгилаш назарда тутилган.

Бундан ташқари республика бўйича 405 километр, шундан туманлараро алоқа учун 274,7, шаҳарлараро алоқа учун 97,6, телевидение учун 33,1 километр кабел тортилди. Бу лойиҳа бўйича ишлар жорий йилда бошланиб, уни 2004 йили тугатиш назарда тутилган.

МАҲАЛЛА БЕШИГИ

Қумқўрғон туманида Бозор Ҳакимов деган ажойиб одам оқсоқоллик қиладиган "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини бор. Бу ерда йигирмадан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқ яшашади. Гап бу ҳақда эмас.

Айтинг-чи, оилада чақалоқ туғилса, унга бешикни ким олиб беради? Албатта, ота-онаси, тоғаси ёки бобоси деб жавоб қиласиз. "Дўстлик"да яшайдиган янги оилада туғилган биринчи чақалоққа эса бешикни маҳалла бобоси совға қилади. Бешикни шу маҳаллада яшайдиган моҳир уста Комил Сафаров ясайди. Энди бизга айтингчи, маҳалланинг, меҳрибон оқсоқолнинг қўли билан ҳадя этилган бешикда ётиб она алласини эшитган, ёруғ дунёга шу олтин бешикдан қараган бола келажакда ёмон одам бўладими? Йўқ-да. Маҳалла бешигида катта бўлган бола эртага бир кун шу маҳалланинг, юртнинг, Ватаннинг корига ярайди деб ишонамиз.

"Туркистон-пресс"

«Ишонч» фош этади

БАХТСИЗ ҲОДИСА ЯШИРИЛДИ

Бундан кимга фойда-ю кимга зарар?

Ҳаётда ҳамма нарса рўй бериши мумкин. Касаба уюшмалари давлат ва хўжалик идоралари олдида ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар, унинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, бу соҳада меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳақидаги Низомга биноан меҳнат фаолиятини йўқотишга сабаб бўлган ҳар бир шикастланиш ҳолларини текшириб чиқиб, шу ҳақда Н-I намуна бўйича далолатнома тузиши ва бахтсиз ҳодисаларни махсус журналга қайд этиши ҳамда мутасадди ташкилотларга ахборот бериши керак.

Бахтсиз ҳодисани яшириш мумкинми?

– Афсуски, мумкин экан, - дейди Қашқадаё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси меҳнат муҳофазаси, меҳнат шароитлари экспертизаси бўлими бошлиғи Т.Борисова. – Ходимларимиз томонидан текшириш ўтказилганда, кейинги икки йил давомида йигирмага яқин ўз вақтида рўйхатга олинмаган, яширилган бахтсиз ҳодисалар аниқланди.

Айрим корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасалар раҳбарлари зиммаларига юклатилган вазифа масъулиятини ҳис этмасдан меҳнат муҳофазаси қонунчилиги талабларини бузганлар. «Ўзбурғунефтгаз» компаниясига қарашли «Қашқадарё пармалаш ишлари» ҳиссадорлик жамияти электр пайвандчиси Б.Сатторов 2001 йилнинг ноябр ойида жароҳат олиб ногирон бўлиб қолган. Лекин бу хусусда тегишли ташкилотлар хабардор қилинмаган.

Бахтсиз ҳодисани вақтида, тўғри ўрганиш, ҳисобга олиш ва унинг сабабларини пухта таҳлил қилиш, бундай воқеаларнинг такрорланмаслиги учун бутун жавобгарлик корхона биринчи раҳбари зиммасига юклатилган. Бироқ Шаҳрисабз туман «Сўғдиёна» ҳиссадорлик жамияти электр монтёри О.Карамиддинов, Қарши туманидаги 4-механизациялашган кўчма колонна устаси С.Нарзиев, Ғузордаги «Ўзбекнефтгазқурилиш» акциядорлик компанияси 4-вакиллиги сувоқчиси У.Воҳидов, Косон туманидаги «Темирхўжа» жамоа хўжалиги энергетиги Р.Эрниёзовларнинг оғир шикастланишига сабаб бўлган ҳодисалар ҳақида хабар бериш раҳбарларнинг хаёлидан фаромуш бўлган.

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсизлик сабабларини таҳлил қилиш билан бирга, уларни меҳнат жамоасида кўриб чиқиши, касаба уюшмалари, тегишли вакиллик идоралари билан ҳамкорликда жароҳатланишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Кўринмас фалокат оёқ остида, дейдилар. Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалиги ишчиси Шавкат Жумаев, «Бешкент» жамоа ширкат хўжалиги ишчиси Ф.Алиқулов, С.Раҳимов номли хўжалик ишчиси И.Эшбоев, Шаҳрисабз «Вино-ароқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси З.Хушев, экспедитори Ш.Жўраев, 36-очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси И.Азимов, «Оқсарой тўқимачи» корхонаси скреперчиси С.Йўлдошев, «Ўзбекнефтгаз» компаниясининг Ғузордаги бўлинмаси ишчиси Ш.Ҳакимовларнинг шикастланганлиги тўғрисидаги маълумотлар вақтида расмийлаштирилмаган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари пухта ўрганилмаётганлиги, техника хавфсизлиги қоидаларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилмаганлиги туфайли кўнгилсиз жараёнлар бартараф этилгани йўқ. Меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларини бузганлиги учун 29 та мансабдор шахсга маъмурий чора кўрилиб, 353758 сўм жарима солинган. Шунга қарамасдан жорий йилнинг биринчи чорагида 7 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган ва бунинг учтаси ўлим билан тугаган.

Бошқарма ходимлари томонидан текшириш ўтказилганда ўтган йили оғир тан жароҳати олган Шаҳрисабздаги «Момиқ» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Ж.Усмонов, Қарши шаҳридаги «Гулнора» болалар боғчаси ошпази Д.Султонов, Китоб туман «Варганза» ширкат хўжалиги аъзоси М.Азизовларнинг тан жароҳати олиши билан боғлиқ ҳодисалар яшириб келинган.

Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари қўпол равишда бузилаяпти. Масалан, Касби туманидаги 8-деҳқончилик қурилиш бошқармаси шуъба корхонасида ишлаган Р.Худоёров, Косон туман «Қишлоқхўжаликкимё» филиали ходими У.Казаковлар техника хавфсизлиги йўриқномалари билан танишмаганликлари натижасида шикастланишлар рўй берган.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасига ва ходимлар шароитини яхшилашга ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланилмаяпти, хавфли ишларга махсус ўқитилмаган, етарли билим ва кўникмага эга бўлмаган кишилар жалб этилган. Механизм ва ускуналарнинг хавфсизлиги талабга жавоб бермайди, керакли ҳимоя тўсиқлари билан таъминланмаган, назорат ўлчов асбоблари вақтида текшириб турилмайди, автотранспорт воситалари техник қаровдан ўтказилмайди, ишчилар махсус кийим-кечаклар ва ҳимоя воситалари билан таъминланмаган.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида иш юритиб, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли бўлиши учун зарур чора-тадбирларни кўриш раҳбарлар ва касаба уюшмаларининг асосий вазифасига айланмоғи даркор. Токи эрта тонгда уйидан яхши ниятлар билан чиқиб кетган меҳнаткаш оқшом чоғи оиласига соғ-саломат кириб борсин.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ҳокимлик ва касаба уюшма ҳамкорлиги

ЖОЙЛАРДА МАҲАЛЛА КУНЛАРИ

Сирдарё вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши ташаббуси билан жойларда «Обод маҳалла» кунлари ўтказилмоқда.

Чунки маҳаллада қадриятларимиз, анъаналаримиз равнақини кўрамиз. Меҳру оқибат, инсонийлик ўчоғи ҳам шу ерда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла энг катта тарбия масканидир. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Носирхон Акбаровнинг таъкидлашича, ҳудуддаги барча маҳаллаларда кенг кўламда ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган. Энг ибратли маҳалла, кўча, хонадон кўрик-танловлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, жойларда маҳалла байрами ва кунлари сингари анъаналарнинг қарор топиши ободончиликка асос бўлмоқда. Ана шундай тадбирлар яқинда Ширин, Боёвут, Сирдарёда бўлиб ўтди.

Ширин шаҳридаги Абдулла Набиев номли маҳалла аҳли иноқлиги билан кўпчиликка манзур. Шу боис улар ҳудудда биринчилардан бўлиб маҳалла кунини бошлаб бердилар.

— Ҳудудга 2000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазганмиз. Ҳадемай гузар ҳам ишга тушади. Бу ерда фаввора ва гулзор барпо этаяпмиз, -дейди маҳалла оқсоқоли Насим Ҳакимов. — Гузарда янги чойхона, новвойхона, сартарошхона, этикдўзлик, тикувчилик устахоналари, гўшт, мева-сабзавот дўконлари иш бошлади.

Маҳалладаги «Фахрийлар боғи» ширинликлар билан тўлиб тошди. Тантаналарда маҳалла ишбилармонлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар, чеварлар меҳнати маҳсули намойиш этилди. Миллий халқ ўйинлари, спорт беллашувлари қизигандан-қизиди. Сўнгра пиру бадавлат отахон Мамадали Шерматов хонадонига ташриф буюрилди. Юз ёшни қаршилаётган нуроний дуоси олинди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган хонадонлар, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

Боёвутда эса ҳафтанинг ҳар пайшанбаси маҳалла куни, деб эълон қилинди. Туманнинг «3-Боёвут» хўжалиги маҳаллалари бу борада барчага намуна. «Дўстлик», Амир Темур номли, «Янги бўстон» ва Садриддин Айний номли маҳаллаларда 11 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кишиларнинг аҳиллиги, тотувлигини кўриб кўзингиз қувнайди. Уларнинг ўзаро меҳрибонлигини айтмайсизми! «Дўстлик» маҳалласидагилар яқинда Раҳматилла Рўзиқулов хонадонига ташриф буюришди. Бу ерда бўлган киши ўзини боғи Эрамда юргандек ҳис этади. Негаки, ҳовлида ўстирилаётган анвойи гуллар, дов-дарахтлар бахри дилингизни очади. Ўн сотих томорқадаги орасталикдан кўз қувнайди.

– Ҳар бир маҳалла оқсоқоли жиҳозланган хоналар билан таъминланган. «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этганмиз. Бу ерда тарғибот-ташвиқот маркази одамлар билан гавжум Оқсоқол олдидан одам узилмайди,- дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сайдулла Абдуқодиров. – Кишиларимиздаги иноқлик меҳнатда ҳам ўз аксини топаяпти. Шу боис хўжалигимиз иқтисоди бақувват. Одамлар тўқ-фаровон яшашяпти.

«Дўстлик» маҳалладаги «Банкет уйи»да ажойиб тантанага дуч келдик. Шу куни Боёвут шаҳрида яшовчи, асли касби сартарош бўлган Аҳмаджон ва шу хўжаликнинг Амир Темур номли маҳалласида яшовчи Камола Ҳамидоваларнинг никоҳ тўйлари ўтаётган экан. Ёш оилага бахт ва омад тиланди.

Қишлоқда қўша-қўша келин туширганлар кўп. Тоштемир Холиқбердиев оиласида беш келин бир ҳовлида опа-сингилдек тотув-иноқ. Бахтли қайнона Мунаввархон опа яқинда бир йўла уч нафар ўғлини уйлантирди. У қатор-қатор уйлар қуриб, ниятига етганидан мамнун.

Боёвутликлар энди ҳафтанинг ҳар пайшанбасини интиқ кутишади. Чунки шу куни кўчаларга, хонадонлар атрофига, йўлагу ариқларга бир карра назар ташланади, ободончиликка ҳисса қўшилади.

Маҳалла ободлиги юртимиз файзи. Бундай хайрли ишлар вилоятдаги ҳар бир маҳаллага, хонадонга кириб борди.Муҳими, барча тадбирларда касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланяпти.

Н. ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Асрлар мобайнида тилсиз ётган Қизилқум бағрида ҳам мустақиллик шарофати ила тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда. Конимех наслчилик хўжалигида асосан чорвачилик билан шуғулланилади. Хўжалик қошидаги «Жанарис» кичик корхонасида айни пайтда чўпон-чўлиқлар учун қишки иссиқ кийим, болалар боғчаси учун тўшаклар ҳамда дунёга маълум ва машҳур қоракўл терисидан бош кийимлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Беш нафар ишчи меҳнат қилаётган кичик корхона ўтган йилда яхшигина даромадга эга бўлди.

И. ҲАСАНОВ
олган суратлар

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ТАДБИРКОР

Бугун Сурхондарёда қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Яқинда Термиз туманида қуриб ишга туширилган ун заводи ҳам шундай ҳамкорлик меваси ўлароқ эътиборга лойиқдир. "Ҳайдар Жавзоний ЛТД" қўшма корхонасига қарашли ун заводи Ўзбекистон-Афғонистон мамлакатлари ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намунасига айланди.

Завод катта қувват билан ишлай бошлади. У бир кеча-кундуз мобайнида 24 тонна буғдойни сифатли ун қилиб чиқариш имкониятига эга. Узоқни кўзлаган тадбиркорлар унинг бир қисмини қўшни Афғонистонга юборади. Завод учун дон эса шартномага кўра Қозоғистондан харид қилинади.

«Туркистон-пресс»

ТОМОРҚА - ХАЗИНА

Самарқанд туманида «Томорқалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш - деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий омили» мавзуида вилоятлараро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор ёпиқ майдонларда етиштириладиган помидор ва бодринг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда уруғчиликдаги муаммоларни бартараф этишга қаратилди. Семинар-кенгашда россиялик мутахассислар ҳам иштирок этди.

- Юртингизда деҳқончилик учун жуда катта имкониятлар мавжуд, - деди россиялик селекционер олим С.Гавриш. - Биз, мана беш йилдирки, андижонлик деҳқонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Натижа ёмон эмас. Биз яратган уруғлар Ўзбекистон шароитида ҳам кўнгилдагидек ҳосил бермоқда.

- Россиялик олимлар билан ҳамкорлик натижасида имкониятларимиз янада кенгаймоқда, - дейди Андижон вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Р.Ибрагимов. - Ҳосилдорлик йилдан-йилга кўтарилиб боряпти. Ҳозир деҳқонларимиз иссиқхона шароитида бир квадрат метр ердан йигирма-қирқ килограммдан помидор, бодринг етиштирмоқда. Яратилаётган уруғлар таннархи арзон.

Семинар-кенгашда деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Бухоро томонларда

БАХТЛИ ХОНАДОН

Олот-республикамизнинг чекка ҳудудларидан бири. Қўшни Туркманистонга туташ бўлган туманда юз минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ўзининг яратувчилик меҳнати бирла тилга тушиб бораётган аҳил, иноқ хонадон вакилларини ҳар бир аҳоли пунктида кўплаб учратиш мумкин.

«Бухоро» ширкат хужалиги ўрамидаги «Иттифоқ» қишлоғида истиқомат қилаётган Каримовлар хонадонига борганнинг ҳаваси келади. Бунинг ўзига хос жиҳатлари бор. Энг аввало хонадон етакчиси Н.Каримов ва у кишининг умр йўлдоши ибратли ҳаёт йўли, ширин турмуши ва фарзандларига бўлган меҳру шафоатлари билан элга танилган. Яна бир таъкидлашга молик жиҳат шундаки, айни шу хонадонда бир вақтнинг ўзида дунёга келган уч ўғлон вояга етиб, камол топаётир.

– Ҳадемай ўғилларимиз мактабга қатнай бошлайди, -дейди хонадон соҳибаси. — Бугунги кунда фарзандлар камолини кўзлаб, ушбу оилага беғараз кўмак бераётганлар ҳам кам эмас. Туман газлаштириш идораси биринчилардан бўлиб хонадонга ёрдам қўлини чўзди. Корхона маблағи ҳисобидан газ тармоқлари тортилди.

ПУДРАТ ҚУДРАТИ

Тумандаги Раҳмат Ботиров номли ширкат хўжалигида 150 гектар майдонда ғалла ўстирилаётир. У 20 дан ортиқ пудратчилар назоратида. Ҳозирча майсаларнинг авжи чакки эмас. Ҳар бир пудратчи хўжалик билан имзоланган шартнома моҳиятини дилдан ҳис этган ҳолда ишга ёндошмоқда. Айниқса, Ҳасан Авлиёқулов, Карим Бозоров, Ғайбулло Анашевлар режадан ошириб мўл ҳосил етиштириш эвазига кўпроқ манфаатдорликка эришиш истагида енг шимариб меҳнат қилишмоқдалар. Чунки йил охирида ҳар бир пудрат аъзосининг хужалик ютуқларига қўшган шахсий ҳиссасига қараб улуш ажратилади.

САВОБЛИ ИШЛАРГА БОШ-ҚОШ

Хужалик ҳисобидаги Савдо-харид корхонаси 4 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади.Жамоа 33 та мактабларга хизмат кўрсатиш билан чекланмай, яна кўплаб юмушларни амалга оширади. Бундан ташқари туман аҳолисига нон ва нон маҳсулотлари етказиб беради. Кейинги ярим йил орасида бу ерда ўнга яқин турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Режаларини ошириб бажараётган корхона жамоаси кўплаб хайрли ва савоб ишларнинг ҳам бошида турибди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

ЮТУҚЛАР БОР

лекин муаммолар ҳам етарли

Жамоа шартномалари бевосита ҳар бир корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасада меҳнаткашларни муҳофазалашнинг муҳим ҳуқуқий кафолатига айланиб бораяпти. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида меҳнаткашлар ўзларининг кўплаб таклиф ҳамда мулоҳазаларини беришмоқда. Ўз вақтида корхона маъмуриятлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қабул қилинган жамоа шартномаларининг ҳаётда ўз аксини топиши учун барча имкониятларни сафарбар этишмоқда.

Ўтган йили республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тизимидаги 49517 ташкилот, корхона ҳамда муассасада жамоа шартномалари қабул қилинганди. Улар орқали 2,5 миллион нафардан зиёд меҳнаткашларнинг манфаатлари қамраб олинган. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бултур жамоа шартномаларида республикамиз Президентининг Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш ва бошқа муҳим ҳаётий вазифалар ўз аксини топганди.

Маълумки, ўтган йили қарияларимизга катта эътибор қаратилди. Шу муносабат билан тармоқда ишлаб пенсияга чиққан отахонларга 440 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Турли байрамларда эса 99 минг нафардан зиёд қарияларга қимматбаҳо совғалар тарқатилди. Пенсионерлар уй-жойларини бепул таъмирдан чиқариш учун эса 31 миллион сўм сарфланди.

Шартномавий муносабатларни такомиллаштиришда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар тармоқ қўмиталари томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилди. Айниқса, Тошкент вилояти ва шаҳрида, Фарғона, Бухоро вилоятлари тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари томонидан амалга оширилган ишлар анчагина салмоқли бўлди. Кўпгина бошланғич ташкилотларда муҳим ҳужжат бандларини бажаришга сидқидилдан киришилгани туфайли меҳнаткашларнинг дам олиш ҳамда иш шароитлари яхшиланди.

Республика агросаноат тизимида ўтган йили ҳар бир меҳнаткашга аъзолик бадалига нисбатан 37,9 баробар кўп миқдорда маблағ сарфланган. Ёки ҳар бир касаба уюшма аъзосини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 35,5 минг сўмлик маблағ ажратилган.

Лекин баъзи жамоа шартномаларига ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси розилигини олиш ҳақидаги бандни киритиш мушкул бўлмоқда. Ўтган йили республика бўйича тармоқ ходимлари сони қисқартирилиши ёки корхоналар тугатилиши оқибатида ишдан озод қилинганларнинг сони 45 минг 203 нафар кишини ташкил этди. Уларнинг бир қисмига нисбатан моддий мадад кўрсатилмаган. Баъзи корхоналарда эса ходимлар иш билан тўла таъминланмаяптилар ва ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқариб юборилмоқда.

Ходимларнинг, шу жумладан, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва муҳофазасини талаб даражасига етказиш бўйича қабул қилинган бандлар республика бўйича 82,6 фоизга бажарилган холос. Ушбу тадбирларнинг бажарилиши давлат корхона, ташкилот ва муассасаларда 85,3, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда 88,2, хусусий корхоналарда эса 81,8 фоизга амалга оширилган. Айрим корхоналарда меҳнат муҳофазаси учун ажратилган маблағ етарли бўлмаганлиги сабабли оғир ва киши соғлиги учун зарарли шароитда ишлаётган меҳнаткашларни сут ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар, махсус кийим-бош ва пойабзаллар билан таъминлашда узилишлар рўй бермоқда. Иш жойларини аттестациядан ўтказиш масаласи ҳам талаб даражасида эмас. Бунинг устига жамоа шартномалари бажарилишини текшириб борувчи айрим комиссияларнинг фаолияти ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Текширув далолатномаларининг сифати ҳам ҳозирги кун талабига жавоб бермайди.

Меҳнат низолари комиссияларини тузишга бўлган муносабат ҳамма ерда ҳам бир хил эмас. Айрим жойларда жамоа шартномаларининг муҳокамаси меҳнаткашларнинг умумий йиғилишига қўйилмасдан, эски йилдагиси кўчириб қўя қолинмоқда. Масалан, Термиз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида тунги ҳамда кечки вақтда ишловчилар учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида кўрсатилмаган. Корхонада қабул қилинган иш ҳақининг энг кам миқдори, таътил учун ҳақ тўлаш муддати жамоа шартномасига киритилмаган.

Андижон вилоятидаги «Қўрғонтепадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг жамоа шартномасида эса Меҳнат Кодексининг 159-моддаси бузилган. Ушбу кодекснинг бир қатор моддалари талаблари мазкур жамоа шартномасида акс эттирилмаган. Оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча таътил белгиланмаган. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида фаолият кўрсатаётган «Истиқлол» ширкат хўжалигида имзоланган жамоа шартномасида ҳаммага бир хил, яъни уч кунлик қўшимча таътил белгиланган. Қонун асосида эса иш жойларида бу қўшимча таътил муддати аттестация натижаларига кўра белгиланиши лозим. Иш ҳақининг катта қисмини натура шаклида тўлаш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса тармоқдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларни жамоа шартномалари билан қамраб олиш масаласидир. Яъни тармоқдаги 13516 меҳнат жамоасида бу иш амалга оширилмаган. Вилоятларда юридик шахсларни жамоа шартномалари билан қамраб олиш 78,5 фоизга бажарилган холос. Шунинг учун хусусий корхоналарни, айниқса деҳқон-фермер хўжаликларида жамоа шартномалари тузишни яхши йўлга қўйиш лозим.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

ОЙЛИК МАОШЛАР БЎЗДА КЕЧИКАЯПТИ НЕГА?

Бўз туманидаги 19-ўрта мактаб касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасидаги тузилган жамоа шартномасида ойлик маошларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши тўғрисида махсус бандлар киритилган. Лекин ходимлар иш ҳақини ўз вақтида олишолмаяпти. Бир товукка ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, маош қўлга тегса қозон қайнайди. Бунинг устига болаларнинг кийим-боши, ўқув қуроллари... Хуллас, хонадондаги ҳамма харажатлар моянага қараб туради.

Мактабларда иш ҳақининг кечиктирилаётганлиги ҳақидаги овозалар туман халқ таълими мудири Ҳумоюн Акбаровнинг қулоғига етиб келди. Кўп ўтмай, таълим ва фан ходимлари тармоқ қўмитасига 19-мактабдаги 26 нафар ўқитувчи номидан шикоятнома келиб тушди. Дилномани ўқисангиз, изтиробга тушасиз:«...2002 йил декабр ойига аванс олганмиз, холос. Январ, феврал ойлари ўтяпти. Аммо қўлимизга маош текканича йўқ. Қариялар, аёлларнинг нафақа пуллари, туғруқ таътили учун тўловлар 2002 йилнинг август ойидан буён берилмаяпти. Бу ҳол қачонгача давом этади?» Ана шундай талабнома билан 17-ўрта мактаб жамоаси ҳам Х.Акбаровга мурожаат қиладилар.

Аҳволни биргаликда таҳлил қилиш, бу борада қандай ишлар режалаштирилаётганини билиш учун мудирни икки кун қидирдик. Аммо у қорасини кўрсатмади.

Юқоридаги турткилардан сўнг мудир ҳам, тармоқ касабақўмиси ҳам «югур-югурга» тушди. 2003 йил 7 апрел куни туман ҳокимлигига, 14 апрелда туман молия бўлими мудири А.Назировга, «Халқ банки» бошқарувчиси Р.Сулаймоновага иш ҳақи тўловларидаги узилишлар юзасидан кетма-кет билдирувномалар жўнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги иш ҳақи вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорида иш берувчи иш ҳақининг вақтида тўланишига масъул эканлиги алоҳида уқтирилган.

Хайриятки, маорифчилар ҳомийси бўлган «Халқ банки»даги «муз кучди». 2002 йил декабр ойи учун белгиланган иш ҳақи 60 кунга кечиктирилиб, 2003 йил 4 март кунига тўланди. Бироқ банкдаги иш ҳақидан қарздорликка ҳанузгача барҳам берилмаяпти.

Оқибатда банк мижози бўлган рўйхатдаги 24 та мактаб, 29 та болалар боғчаси, битта болалар ижодий уйида ишлаётган 2049 нафар маорифчи иш ҳақларини ололмай, ойлаб сарсон бўляпти.

Банкдаги аҳвол билан чуқурроқ танишиш мақсадида бошқарувчи Раҳимжон Сулаймонов ҳузурида бўлдик. Кичик ва ўрта бизнесни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш, омонат турларини кўпайтириш ҳақидаги саволларимизга бошқарувчи қониқарли жавоб беролмади.

Ҳокимнинг иқтисод масалалари бўйича муовини Усмонжон Ҳожиакбаров билан мулоқотимиз ҳам иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардаги қарздорлик ҳақида борди. Буларни қоплаш учун 361 миллион сўмлик пул маблағлари талаб қилинар экан. Ўринбосарнинг таъкидлашича, туманда иш ҳақидан 161 миллион, пенсия жамғармасидан 158 миллион 400 минг сўм, стипендиядан 16 миллион сўмлик қарздорлик юзага келган.

Тўғри, ҳокимлик иш ҳақи бўйича тўловларни барқарорлаштириш учун муайян тадбирларни амалга оширяпти. Ҳокимиятда нақд пул тушумларини мониторинг қилувчи гуруҳ ишлаб турибди. Прокуратура, солиқ ва молия идоралари биринчи чоракда савдо шохобчаларини 11 мартда нақд пул тушуми бўйича тафтишдан ўтказдилар. Натижада савдо фаолиятида жами 98 миллион 870 минг сўм нақд пулларни инкассация қилинишига эришилди. 3 та ҳолатда қонунбузарликлар аниқланиб, айбдорлар жаримага тортилди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Шунга қарамасдан туманда назорат-касса аппаратларини ишлатишни таъминлашда қатъий тартиб ўрнатилмаган. Масалан, Абдухалил Каримовга тегишли хусусий ошхонада худди шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. У Бўз-Андижон трассасидаги автобус бекати ёнида жойлашган. Тушлик пайти. Ошхонада 50 нафарга яқин хўранда овқатланмоқда. Ошпаз Иқболжон Худойбердиевнинг қўли-қўлига тегмай, савдо қиляпти. Тадбиркор Бахтиёр Қорамирзаев эса «Хизмат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бинода хусусий «Кафе» очибди. Нақд пул тушумларини қаерга топширяпсиз? деган саволимизга елка қисишдан нарига ўтмади. Чунки бу ерда назорат-касса аппаратинг ўзи йўқ. Банк билан инкасса шартномаси тузилмаган. «Уммон» хусусий дўконлар уюшмасида касса режалари мунтазам бажарилмаётир. 20 тага яқин хусусий дўконлар фаолият юритаётган жамоада ойига 6 миллион ўрнига атиги 3 миллион сўмлик савдо қилинаётганлигига ишониш қийин. Унда давлат томонидан аҳоли учун савдога чиқарилаётган 8 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сотувидан келаётган тушум қаёққа ғойиб бўлаяпти. Туман газ таъминоти корхонасида эса ундирилмаган қарзлар 110 миллион сўмга кўпайган.

Мақолани якунлаётганимизда Бўз туманидан хушхабар келди. Феврал ойи учун белгиланган маошга ниҳоят маорифчилар етишибдилар. Бироқ шу кунларда ўқитувчилар қолган ойлар учун иш ҳақини қачон оламиз, деган саволга жавоб изламоқдалар.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Қилмиш-қидирмиш

СЎНГГИ ПУШАЙМОН–ЎЗИНГГА ДУШМАН

Мамлакатимизда фуқароларнинг хорижий валюталарга нисбатан талаби ҳисобга олиниб, уни эркин алмаштириш учун имкон яратиб берилган. Аммо айрим кимсалар бунга қаноат қилмасдан ғайриқонуний валюта савдо-сотиғи билан шуғулланмоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Сузук ота кўчасидаги 14-уйда истиқомат қиладиган Қудрат Зокиров валютафурушликда айбланиб қўлга олинди. У Гўзал Пўлатова ва Самандар Ёрматовдан ноқонуний равишда 2000 АҚШ долларини 2 миллион 600 минг сўмга сотиб олган. У ушбу ғайриқонуний савдо-сотиқ амалга ошаётган пайтда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ушланди.

Ҳўш, учта фуқаро ўзаро келишиб, валютафурушлик қилишган экан, бундан кимга фойда-ю, кимга зарар, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, мамлакатимиздаги банкларда валюта алмаштиришнинг йўлга қўйилиши фуқароларимизнинг хориждан сифатли маҳсулотлар, сармоялар, техник ускуналар олиб келиши, четэл корхоналари билан алоқа ўрнатишлари учун мўлжалланган. Бироқ бу фуқаролар ушбу имкониятдан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланганлар.

Жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани жиноят ишлари бўйича суди ушбу ишни кўриб чиқиб, Қ. Зокировни айбдор деб топди ва тўрт ой қамоқ жазосига ҳукм қилди. Жиноятчи қилмишига яраша жазоланди. Лекин у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олармикан?

Чунки у олдин ҳам шундай жиноий ишга қўл урганди. Оқибатда 1998 йил Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг ҳукмига кўра, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ўтказиш йўли билан 3 йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига маҳкум қилинган.

Валютафуруш Қудрат Зокиров иши билан танишар эканмиз, яна бир нарса ҳақида ўйланиб қолдик. Ҳўш, Қудрат ва унга ўхшаганлар бу жиноий иш билан бир-икки бор шуғулланиб, қўлга тушиб, жазолансалар ҳам нега яна бундай жиноий ишга қайтадан қўл урмоқдалар. Назаримизда, бунинг турли сабаблари бор. Айтайлик, Қудрат Зокиров ҳеч қаерда ишламайди, эртадан кечгача бекор. Валюта алмаштирадиган банклар ва уларнинг шохобчалари душанбадан шанбагача ишлайди. Яъни, аҳолининг аксарияти иш билан банд пайтда улар валюта алмаштиради. Бундан эса Қ.Зокиров каби бекорчилар унумли фойдаланади. Аслида, валюта алмаштириш аҳолининг фойдали, қонуний меҳнат билан шуғулланаётган қисмининг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, белгиланган. Демак, бу борада валюта алмаштирадиган банкларнинг ишлаш вақти ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакмикан...

Бундан ташқари, бугунги кунда валюта алмаштириш билан шуғулланадиган банкларнинг ходимлари ҳам, шу ерда хизмат қилаётган тартиб посбонлари ҳам кунда-шунда бўлиб қолган валютафурушлар ва уларнинг воситачиларини яхши билишади.Аммо уларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйишга ҳар доим ҳам жиддий киришилмайди. Оқибатда давлатимиз яхши ниятлар билан амалга ошираётган тадбирларга соя тушмоқда.

Қолаверса, иқтисодий жиноятчилик ва валютафурушликка қарши курашда уларга берилаётган жазолар ҳақида ҳам мулоҳаза қилиб кўриш керак деган фикрдамиз.

Ҳ.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Собир Раҳимов туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи ўринбосари

«Нишонтекс» корхонасида 30 га яқин ёшлар меҳнат қилади. Чиқитдан момиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Суратда: корхона касаба уюшма қўмитаси раиси муовини Ғайбулло Менглиев ёшлар билан суҳбатда.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

ТЕЖАЛГАН ГАЗ ҲИСОБИДАН

Хоразм газлаштириш соҳаси бўйича республикамизнинг юқори ўринларидан бирини эгаллайдиган вилоятлардан биридир. Мавжуд 612 та аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг 609 тасида истеъмолчилар табиий газдан фойдаланмоқдалар. Шунингдек, вилоятдаги 3461 та халқ хўжалиги объектларига ҳам газ етарлича етказиб берилмоқда.

«Хоразмгазтаъминот» шуъба корхонаси маъмурияти аҳолини табиий газ билан мўътадил таъминлаш мақсадида катта ишларни бажардилар. Хонадонларга газни узлуксиз етказиб бериш учун ишлаб чиқариш корхоналари ва улгуржи истеъмолчилар огоҳлантирилиб, тежалган газ аҳоли хонадонларига йўналтирилмоқда.

«Зангори олов»ни тежашда газ ўлчагич асбоблари муҳим рол ўйнамоқда. Белгиланган дастурга асосан бу тадбир вилоятда жадал ўтказилиб, шу кунгача 189 минг 687 та хонадон керакли ускуна билан таъминланди.

Я. САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

TV дастури

13-18 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00, 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Кичкина малика». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25 Эстрада тароналари.
12.45 «Қиш сонатаси». Телесериал.
13.55, 14.35 ТВ анонс.
14.10 «Буни умр дерлар».
14.40 «Чип ва Дэйл ёрдамга ошиқади». Мультфильм.
15.20 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
15.30 1. «Чек». Теленовелла.
2. «Санъат ғунчалари».
16.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Озод юртнинг умид юлдузлари».
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Репортаж».
18.35 Бир жуфт қўшиқ.
18.45 «Тафсилот».
19.00 «Ўкинч». Ҳужжатли фильм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Бевосита мулоқот.
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.00 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»- репортаж.
9.25 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.50 Саломатлик сирлари.
10.10 «Йиртқичлар». Ҳужжатли фильм.
11.00 Кинотақдим.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Умид ниҳоллари» («Ўзбектелефильм»)
12.50 Интерфутбол.
14.30 Мутолаа.
14.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.10 Болалар экрани: «Мультомоша».
15.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.45 Илдиз ва япроқ.
16.05 «Бу менинг Ватаним». Видеофильм (Наманган)
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 Таянч.
17.30 Ёшлар овози.
17.50 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 1-қисм.
18.10 Минг бир маслаҳат.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18. 55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 4-қисм.
20.20 Ўзимизники.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Овчи». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
0.10 Давр.
0.25-0.30 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Ҳимоя».
20.25 ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Анойи».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил».
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Валерия иштирокидаги концерт дастури».
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес ревю».
20.45 «Хроника».
20.55 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.05 «Ассалом, Франция!»
21.20 «Саргузашт изловчилар». Бадиий фильм.
22.55 «Ахборот» (рус тилида)
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.20 «Кўрқоқ бегемот». Мультфильм.
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.20 «Самодаги пойгалар». Бадиий фильм. 1-қисм.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Қалб гавҳари».
12.25 «Талабалик йилларим».
12.45 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 Кундузги сеанс: «Тақдири азал». Бадиий фильм.
15.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
16.00 Дуторчилар ансамблининг янги дастури.
16.25 «Ягона оилада».
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Югурамиз-чопамиз».
2. «Болалар ва катталар».
18.10 «Истеъмолчи».
18.30 «Умид». Телелотерея.
18.55 Мумтоз наволар.
19.05 «Бу қадим йўллар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт уфқлари».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.05 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
22.35 «Дўст кулфатда билинар». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот-дайжест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»-интервью.
9.30 ТВ-анонс.
9.35 Ўйна, болажон, ўйна.
9.50 Минг бир маслаҳат.
10.10 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 1-қисм.
10.30 Таянч.
10.50 Синфдош.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут 2. Теннис.
13.15 Ўзимизники.
13.35 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
14.00 «Бир ўлкаки...» туркумидан: «Бойсун баҳори».
14.20 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
14.45 Автопатрул.
15.05 «Кэролайн». Бадиий фильм.
16.40 ТВ-анонс.
16.45 «Бу менинг Ватаним». Видеофильм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.40 Кафолат.
18.00 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 2-қисм.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Зинама- зина». Телеўйин.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Кўҳна оҳанглар.
20.15 Жараён.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -.
24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси».
20.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Аёл қалби».
20.25 ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Ҳамшаҳарлар».
22.35 Кинонигоҳ. «Муҳаббат кунлари».
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Флоренс Найтингел». Мультфильм.
17.15 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 К. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин».
20.00 «Время».
20.40 «Кумуш тўй». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.45 «Бизнес-ревю».
21.50 «Жаҳон рақслари».
22.10 «Спорт технологияси».
22.25 «Ҳинд оҳанглари».
22.45 «Ахборот» (рус тилида)
23.15 Илья Резник иштирокидаги концерт дастури.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Югурамиз-чопамиз».
2. «Болалар ва катталар».
10.00 , 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 «Баркамол авлод орзуси».
10.20 «Самодаги пойгалар». Бадиий фильм. 2-қисм.
11.55, 12.20, 13.55 ТВ анонс.
12.05 Мусиқий танаффус.
12.25 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм.
12.35 «Тараққиёт уфқлари».
12.55 «КиноТеатр».
13.15 «Бойсуннинг бир куни». Видеофильм.
14.10 «Истеъмолчи».
14.30 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
14.50 «Фарзанд - умид юлдузи».
15.15 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
15.45 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.15 1. «Боликнинг мовий осмони».
2. «Яшил чироқ«. Телемусобақа.
17.15 ТВ клип.
17.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-«Нефтчи» жамоаларининг учрашуви. «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади (Танаффус пайтида - Янгиликлар.)
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
22.25 «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.35 Мультфильм.
9.45 ТВ-анонс.
9.50 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 2-қисм.
10.10 Спорт қитъаси (рус тилида)
10.40 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.00 Кафолат.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Интерфутбол.
14.00 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
14.25 Хазина.
14.40 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
16.05 ТВ-анонс.
16.10 «Бу менинг Ватаним». Видеофильм.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Болалар ташкилоти.
17.35 Огоҳ.
17.50 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 3-қисм.
18.10 Сийрат.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 5-қисм.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол Танаффус пайтида –.
24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва масъулият».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Эл хизматида».
20.25 ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30«Умр йўлдоши».
22.40 Кинонигоҳ. «Илҳом париси».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Жаҳон рақслари».
19.15 «Н. Басков». Ҳужжатли фильм.
19.45 «Тиббиёт ҳақида».
20.00 «Время».
20.40 «Кумуш тўй» 2-қисм.
21.45 «Бизнес ревю».
21.50 «Ишбилармон кишилар».
22.10 «Юқори технологиялар олами».
22.20 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.30 «Соккер клуб».
22.50 «Ахборот» (рус тилида)
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Боликнинг мовий осмони».
2. «Яшил чироқ«. Телемусобақа.
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ғаройиб тўти Поли». Бадиий фильм.
11.30 Мусиқий танаффус.
11.40 Болалар учун. «Фламинго».
12.05 «Озод юрт одамлари».
12.25, 14.10 , 14.55 ТВ анонс.
12.30 «Олам». Телеальманах.
13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
14.15 «Мусиқа ва театр».
14.35 «Меҳрибон тулки». Мультфильм.
15.00 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
15.30 «Ҳуқуқ сабоқлари».
15.50 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.20 Мумтоз наволар.
17.35 «Ажаб саодат эрур».
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.20 «Тафсилот».
18.35 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.30 ТВ клип.
21.40 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.10 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
22.50 «Бойсун баҳори». Халқаро фольклор фестивали.
23.50 «Ахборот-дайжест».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» - интервью.
9.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Болалар ташкилоти.
10.10 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 3-қисм.
10.30 Фарзандим-жигарбандим.
10.45 Жаҳон жуғрофияси.
11.35 ТВ-анонс.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Интерфутбол.
14.20 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
14.45 Бегойим.
15.05 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.30 Сийрат.
15.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Шум болалар.
17.25 «Мульттомоша».
17.40 Дунё ажойиботлари.
18.00 ТВ-анонс.
18.05 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 4-қисм.
18.25 Аскар мактублари.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Азизим.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2. Футбол плюс.
0.35 Давр.
0.50-0.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Ўзбегим навоси».
19.25 «Билим» телеклуби.
19.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.25ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Алвасти тоғ томон чекиниш».
00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес ревю».
20.40 «Дурдаршан».
21.10 «Услуб».
21.25 «Хит парад».
21.45 «Тунги навбатчилик».
22.00 «Юлдуз билан учрашув».
22.15 «Яшаш воситаси».
22.30 «Ахборот» (рус тилида)
23.00 «Қайсарнинг қуюлиши». Бадиий фильм.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1 «Цирк, цирк», цирк».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10 «Бойсун баҳори». Халқаро фольклор фестивали.
12.10 «Қирол Шер». Мультфильм. 2-қисм.
13.30 «Санъатга бахшида умр».
13.50 ТВ-1 кинотеатри: «Бўронлар ҳукмдори». Бадиий фильм.
15.20 ТВ анонс.
15.25 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
16.05 «Адабий жараён».
16.25 «Ягона оилада».
16.55 «Чорраҳа».
17.15 Болалар учун. «Фламинго».
17.35 «Куйла, ёшлигим».
17.55 «Рангин дунё».
18.15 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Тандир».
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Интеллектуал ринг».
Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Эстрада тароналари.
21.25 «Гап чиқди». Телешоу.
22.05 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
22.45 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду».
23.05 «Гладиатор». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Шум болалар.
9.40 Табобат оламида.
10.00 «Япониянинг боқий маданияти». Илмий- оммабоп сериал 4-қисм.
10.20 «Давр» нигоҳи.
10.40 ТВ- анонс.
10.45 «Достоннинг давоми». Видеофильм.
11.00 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Кўҳна оҳанглар.
12.10 Ринг қироллари.
13.00 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 4-қисм.
13.25 Огоҳ.
13.40 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 14.қисм.
14.25 Дунё ажойиботлари.
14.45 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
15.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.15 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 5-қисм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик, Мультфильм.
17.35 Бола тилидан.
18.05 ТВ-анонс.
18.10 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 6-қисм.
18.35 Каталог.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Кутилмаган меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 15-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.55 Мутойиба.
23.25 «Ёшлар» телеканалида премьера «Ганга ва Жамна». Бадиий фильм. 1-қисм.
0.55-1.00 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 20.10, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Эҳтиром ила...»
19.05 «Мисли гавҳар».
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.10 «Нима учун?»
21.40 Кинонигоҳ. «Руҳ». 1-2-сериялар.
23.30-23.35 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.35 «Экран зийнати ва қиймати».
9.55 «Мусиқий серпантин».
10.10 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
10.50 «Табиатшунос саёҳати».
11.20 Болалар соати: «Ана Бумбо келди». Бадиий фильм.
12.35 «Дисней-клуб».
13.00-14.00 Дўстлик видеоканали: «В доброй хате», «Чинсэн», «Бизнен мерас».
14.00-15.30 «Васий». Комедия.
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Севимли ВИА концерти».
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.25 «Капитан Рон». Комедия.
22.25 «Ахборот» (рус тилида)
22.55 «Фирибгар». Бадиий фильм.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.35 «Ғаройибот».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам». Телеальманах.
12.10 «Истеъдод».
12.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон Давлат санъат музейи».
12.40 Болалар учун. «Бувим ёпган нон». Видеофильм.
13.40 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
14.20 ТВ-1 кинотеатри: «Ўзганинг чиптаси». Бадиий фильм.
15.55 «Гап чиқди». Телешоу.
16.35 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
17.15 «Ким ҳақ?» Телевикторина.
«Болалар сайёраси»:
17.40 1. «Санъат ғунчалари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Талабалик йилларим».
18.50 «Қалб гавҳари».
19.10 «Бир кулишайлик».
19.25, 20.00. 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Яхшилик». Телешоу.
21.50 «Орол дарди - олам дарди». Оролни асрашга бағишланган хайрия тадбири. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
22.50 «Умид ниҳоллари». Спорт ўйинлари кундалиги.
«Якшанба кинозали»:
23.30 «Гладиатор». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик, Мультфильм.
9.50 Очил дастурхон.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 Оҳанрабо.
10.55 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.50 «Эрамиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 6-қисм.
12.15 Аскар мактублари.
12.35 Болалар экрани: «Мария, Мирабелла Транзисторияда».
13.45 Чемпион сирлари.
14.05 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 15-қисм.
14.50 Ватан ҳақида қўшиқ.
14.55 Азизим.
15.40 «Зинама- зина». Телеўйин.
16.05 «Овчи». Видеофильм.
16.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Уй вазифаси, Мультфильм.
18.15 Спорт ҳафтаномаси.
18.30 Музейлар бўйлаб....
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Синфдош.
19.45 Муҳаббат Ғофурова куйлайди.
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.10 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 16-қисм.
21.00 «Қилни қирқ ёриб...» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Ганга ва Жамна». Бадиий фильм 2-қисм.
0.20-0.25 Хайрли тун!.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.10, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Жаҳон географияси».
21.00 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
21.35 Кинонигоҳ. «Севишганлар».
23.10-23.15 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ.

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Қувноқ инглиз тили».
10.15 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.45 «Дорихона эшитади».
12.30 «Фан тайм».
12.40 «Парле ву франсе?»
13.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
13.25 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
13.35-14.55 «Дўстлик» видеоканали: «Рангикамон», «Дидар», «Айчурек», «Корейс тилини ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Билишни истайман».
17.25 «Лаззат сеҳри».
17.55 «Топ мюзик».
18.10 «Кулгули одамлар». Ҳажвий кўрсатув.
19.55 «Диканка қишлоғидаги кечалар». Бадиий фильм.
21.20 «Дунёга назар».
21.35 «Тенгдошлар».
22.05 «Таҳлилнома» (рус тилида)
22.40 Л. Долина, Алсу, В. Пресняков ва М. Боярский иштирокидаги концерт дастури.

«Умид ниҳоллари-2003»: ХОРАЗМ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА





Мана бир неча кундирки меҳмондўст Хоразм халқи меҳмонларни кутиб олмоқда. Бинобарин, вилоятда республика ўқувчиларининг анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрилди. Айниқса, Урганч шаҳри ва туман марказларида кўплаб муҳташам спорт иншоотлари бунёд этилди, йўллар, кўприклар таъмирдан чиқарилди. Масалан, «Олимпия» марказий стадиони қайта таъмирланиб, янги олимпия коллежи, иккита сузиш бассейни, бадиий гимнастика саройи ишга туширилди. Спорт байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида вилоят раҳбарияти ташаббуси билан марафон ва шанбаликлар ўтказилди.

Мусобақалар Урганч шаҳридан ташқари Хива ҳамда Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Янгибозор ва Боғот туман марказларида бўлиб ўтади. Мазкур беллашувларда 3 минг нафар ёш спортчи, ўнлаб мураббий ва ҳакамлар қатнашиши кутилмоқда. Шунингдек, 100 нафардан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари мусобақани ёритиб боришади. Меҳмонларга зарурий шароитларни яратиб бериш мақсадида еттита ишчи гуруҳи ташкил қилинган. Улар ихтиёрига 100 та «Отойўл» автобуси ажратилган.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

МУКОФОТГА — ХИВА ГИЛАМИ

Халқимиз азалдан меҳмондўст. Уйига келган танишу нотаниш одамни очиқ чеҳра билан кутиб олади, дастурхонига бор бисотини сочади. Вилоятимизда ўтадиган улкан спорт анжуманига жамоамиз ҳам пухта тараддуд кўрди. Касаба уюшма қўмитамиз билан кенгашиб Урганч шаҳрида ўз маблағимиз ҳисобидан «Бадиий гимнастика саройи»ни барпо қилдик.

Шунингдек, жамиятимиз томонидан 200 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Унинг асосий қисми мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган ғолибларни тақдирлашга сарфланади. Зеро, биз хоразмча қадимий анъанамизга содиқ қолиб, ғолибларни моддий томондан ҳам рағбатлантирмоқчимиз. Уларга Хива гилами, рангли телевизор, магнитофон каби совғалар тайёрлаб қўйилди.

Отахон ИБРОҲИМОВ,
Хоразм «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамияти раиси

АЛБАТТА ҒОЛИБ БЎЛАМАН

Олтинчи синфда ўқиётган пайтимдан бошлаб миллий ва дюздо кураши бўйича туман, вилоят ҳамда республика мусобақаларида қатнашиб келаяпман. Айниқса, 2001 йил Бухоро шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги республика чемпионати ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Бу ерда миллий кураш бўйича биринчи ўринни қўлга киритиб, Россиянинг Тверь шаҳрида ўтадиган миллий кураш бўйича ёшлар ўртасидаги иккинчи жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Нуфузли мусобақада ҳам омад кулиб боқди: ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлдим.

Ўтган йилнинг апрел ойида Қозоғистонда ўтказилган ёшлар ўртасида дюздо бўйича халқаро турнирда ўта оғир вазнлилар ўртасида биринчи ўринни эгалладим. Май ойида эса Фарғона шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ҳам олтин медал соҳиби бўлдим. Бу йил вилоятимизда бўлиб ўтадиган ўта оғир вазнлилар ўртасида бўладиган курашга қизғин тайёргарлик кўрдим. Бунда менга таниқли мураббийлар ёрдам беришди. Мусобақада албатта ғолиб бўламан.

Алишер ҚУРИЁЗОВ,
Янгиариқ туманидаги 4-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, миллий кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони

Қадимшунослик

Самарқанд вилояти Иштихон тумани VI-VII асрларда, яъни Эфталлар ва Турк хоқонлиги даврида Сўғд давлатлари конфедерацияси таркибида тилга олинган.

ИШТИХОН – САККИЗ АРИҚМИ?

Иштихон – Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига туташ қадимий шаҳар. Илк феодализм давригача мустақил ҳокимлик маркази бўлган.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, дастлаб Эрон шаҳаншоҳи Доронинг миххатида Иштихон давлатчилиги (милоддан олдинги V аср) тилга олинган (А.Набиев. Тарихий ўлкашунослик, 1996 йил).

Рус шарқшунос олими, академик В.Бартольд ҳам ўз тадқиқотларида жаҳонгир Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) нинг эрамиздан олдинги 330-327 йиллари Осиёга, хусусан, Зарафшон воҳаларига қилган юришлари чоғида Сўғдда Иштихоннинг сиёсий тузилмаси мавжудлиги ҳақида тўхталади.

Қадимги Иштихон эрамизнинг VI-VII асрларида Сўғд Конфедерацияси таркибига кирган 15 та микродавлатнинг бири бўлса-да, бошқарув марказий ҳокимиятга бож тўлаган ҳолда қолган барча масалаларда мустақил фаолият кўрсатар эди.

Милоддан кейинги V-VI асрлар Иштихоннинг энг гуллаган ва ривожланган даври ҳисобланади. Чунки бу даврда ҳукм сурган Эфтал ҳукмдорлари сунъий суғоришга жуда катта аҳамият беради. Бундан Иштихон ҳам четда қолмади, ирригация тизими худди шу даврда жуда тараққий топди. Иштихон ҳудудида саккизта ариқнинг қазилиши бу ерда деҳқончилик, сўнгра ҳунармандчилик ривожланишида катта аҳамият касб этади. Бу саккиз ариқ ҳақида В.Бартольд ўзининг асарларида маълумот беради. Бу ариқлар Дарғом, Аббос, Қораунас (ҳозирги Дарғом, Янги Ариқ, Қозонариқ), Варақсара, Ғубор, Бузмажон, Синовоб ва Иштихон каналларидир. Шу маълумотларни тасдиқлаб О.Смирнова ҳам ўз асарида «Иштихон» сўзи сўғдча «Саккиз ариқли», «Саккиз каналли» – Иштхашт – саккиз хон – ариқ демак, саккиз ариқли, деган маънони билдиради, деб ёзган эди.

В.Бартольд яна шундай маълумот берадики, археологик қазилмалар вақтида Иштихон шаҳри қолдиқлари ичидан ғишт топилган. Ушбу ғиштлар ҳажми жиҳатдан катта-катта бўлиб, уларга «Ишхид» сўзи битилган. Яна шунингдек, Оссуари – сопол тобут бўлаклари ҳам топилган бўлиб, уларда ҳам «Ишхид» сўзи ёзилган эди. (Бу эрамиздан аввалги VI-IV асрларга тўғри келади.) Шу қазилма даврида топилган тангалардаги ёзувлар ҳам ушбу далилни тасдиқлайди.

«Иштихон» сўзининг келиб чиқиши тўғрисида халқ орасида ажойиб бир ривоят ҳам юради. Гўёки ҳозирги Иштихон тумани «Уллат», Пастдарғом тумани эса «Даштлик» хонликлари деб аталган эмиш. Уллат хонининг яккаю ёлғиз гўзал қизига Дашт хонининг яккаю ёлғиз шерюрак ўғлининг ишқи тушибди. Лекин Уллат хони қизини ниҳоятда бой ва ақлли йигитга бермоқлигини айтиб, шарт қўйибди. Шарти шундай экан: «Кимда-ким менга куёв бўлмоқчи бўлса, ўзининг турган жойидан то менинг саройимгача ариқдан сут оқизсин. Токи мен уни ичиб бойлигини тан олай». Ниҳоят тадбиркор, ақлли Дашт хонлиги қамишдан найариқ туширибди. Шунда найариқ орқали Дашт хони Уллат хони саройига қараб сут оқизибди. Шунда хон пиёласини тўлдириб сут ичаётганини кўрган жарчилар қувониб кетишиб, «Ичдихон» деб бақиришган экан. Ўз навбатида хон ҳам Дашт хонини «Чинбой» экан деб олқишлабди. Шу-шу бўлибди-ю Уллат хони ҳудуди Иштихон, Дашт хони ҳудуди эса Чинбой номини олган эмиш.

Бу ривоят қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги мозий сирсиноатидир, лекин ҳар қандай ривоят тагида маълум бир ҳақиқат ётади.

V-VII асрларда Иштихон ҳудудида буғдой, шоли, пахта экилган. Пахтанинг толасидан ниҳоятда майин оқ мато тўқилган. Хитой бозорларида бундай матоларга талаб жуда катта бўлган. Қишлоқ хўжалиги ғоят ривожланганлиги туфайли ҳунармандчилик ҳам тараққий этган.

Иштихон ҳудудида аста-секин меҳнат тақсимоти кучаяди. Тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик, айниқса, курол-яроғлар (шамшир, ханжар, табар, гурзи, совут, қалқон ва дубулға) ясалган, ҳатто хитойликлар 718-йилда Сўғд ишхидлари ҳадя тариқасида юборган дубулғадан нусха олган. Ўша вақтларда Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Маймурғ, Иштихон ва Устурушонадан Хитойга савдо карвонлари юборилиб турилган.

Ўша даврларда Иштихон давлатчилиги ҳудудида бўлган, ҳозирги Оқдарё туманига қарашли Пригат қишлоғи ўрнида Сўғдиёна ҳокими Афарун ўзининг ёзги қароргоҳини қурдирган. Кейинчалик Афаркент, Фрункент ва ниҳоят Принкент шаҳрига айланиб, XVII асргача сақланиб қолади.

Тарихчи олим Наршахийнинг ёзишича, 673 йилнинг кузида араблар навбатдаги юришини бошлаб, Мовароуннаҳрга бостириб киради. Убайдулло Ибн Зиёд Амударёдан кечиб ўтиб, Бухоро ва Самарқанд сари қўшин тортади. Бир ойдан ортиқ Сўғд ишхидлари қаҳрамона қаршилик кўрсатадилар. Ва ниҳоят сўғдликлар сулҳ тузишади. Бунинг оқибатида зиддият кескинлашиб, бутун ўлка бўйлаб араблар зулмига қарши қўзғалонлар бошланади.

720-йилда Сўғд аҳолиси яна қўзғолади. Қўзғолонга Сўғд ишхиди Ғурак ва Панжикент ҳокими Диваштич бошчилик қилган. Лекин улар 721-йилда Зарафшоннинг Обигар қалъасида қўлга олинади ва Арбинжонда (ҳозирги Каттақўрғон яқинида) қатл этилади. Танаси Ироқ ҳокимига юборилиб, оташпарастлар хилхонасининг Новус деворига қоқиб қўйилади.

Урушлар натижасида вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклаб, обод этиш учун аждодларимиз машаққат билан меҳнат қилишган ва ўлканинг иқтисодий ҳаётини қийинчилик билан бўлса-да, изга туширган.

Ватанимиз ҳудудининг бир қисми сифатида Иштихон ҳаёти мустақиллик берган имкониятлар боис, янги мазмун кашф этди, тараққиётнинг нурафшон ва истиқболли йўлига чиқиб олди.

Бобомурод ОДИЛОВ,
тадқиқотчи.
Зафар ЖЎРАЕВ,
«Ишонч» мухбири

МИЛЛИЙ КУРАШ ҲАҚИДА ДАРСЛИК

Бухоро давлат университети кураш кафедраси мудири, профессор, Абдулла Атоевнинг миллий курашга бағишланган тадқиқоти Ўзбекистон Фанлар академияси грантига сазовор бўлди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази бухоролик олимга ўсмирларни курашга ўргатиш усуллари ҳақида дарслик ёзишга буюртма берди.

Дарслик мактаб ўқувчилари, талабаларга мўлжалланган бўлиб у хорижий мамлакатларнинг курашга ихлос қўйган ёшлари учун ҳам қўлланма вазифасини ўташи зарур.

- Тадқиқот жараёнида шунга амин бўлдикки, миллий курашнинг 300 га яқин усули бор экан, - дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси А.Атоев. - Ҳолбуки, полвонлар уларнинг атиги йигирматасидан фойдаланишяпти, холос. Янги ўқув қўлланмасида кураш усуллари ҳамда ўқув-машғулотлар режими, кураш техникаси билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам тўлиқ қамраб олинади.

БАСТАКОРНИНГ ЎЛМАС МЕРОСИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Бастакорнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи фотокўргазма ҳам ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар улуғ санъаткорнинг энг сара ва гўзал асарлари Ватанга муҳаббат, эрк ва озодлик каби мангу мавзуларга бағишланганини таъкидлади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ана шундай улуғ ғояларга йўғрилган шеърияти бастакорни ўзига беҳад мафтун этгани ҳам бежиз эмасди. Халқимиз М.Бурҳоновнинг «Алишер Навоийга қасида», «Алишер Навоий» опералари ва бошқа жозибадор мусиқий асарларидан баҳраманд бўлди.

Мустақил юртимизнинг давлат мадҳияси эса бастакор ижодининг мангуликка дахлдор яна бир муҳим қирраларидандир. Истиқлол йилларида М.Бурҳоновнинг ижоди юксак қадрланди, у «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

(ЎзА)

Сирғали туман Халқ таълими бўлимига қарашли «Орзу» болалар боғчасида 280 нафардан ортиқ жажжи ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Мазкур мактабгача таълим муассасасида кичкинтойларни маънавий бой, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, шунингдек, уларга ҳозирги замон талаблари асосида билим бериш борасида илғор тажриба тўпланган. Куни-кеча бу ерда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбири фикримизнинг ёрқин исботи бўлди. Кўпни кўрган нуроний отахону онахонлар кичкинтойлар ижросидаги театрлаштирилган саҳна кўринишларини томоша қилиб, олам-олам завқ олишди.

Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар.

Шоҳрух САРИЕВ
олган суратлар

ЛИНОТИП ИХТИРОСИ

АҚШга муҳожир бўлиб кетган немис кашфиётчиси О.Мерганталер 1886 йили линотип (инглизча «лайн»-қатор) деб ном олган янги турдаги машина ихтиро қилди. Бу машина қолипдаги ҳарфлардан тайёр қаторни ишлаб чиқарар эди.

У катта шов-шувга сабаб бўлди. Икки йилдан сўнг дунёнинг турли шаҳарларида 60 та, олти йилдан сўнг эса 700 та линотип ишга тушди.

Россияга биринчи бундай машина 1905 йилда келтирилган.

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ

бир неча тиббий мутахассисликни билиши даркор

Сурхондарё вилоятида эл саломатлиги йўлида қатор ижобий ўзгаришлар юз берди.

Хусусан, 1-чи вилоят шифохонаси таъмирланиб, қайта жиҳозлангандан кейин, жаҳон андозаларига мос ҳолга келди. Касалхонада ҳозирги пайтда 93 нафар олий маълумотли ҳаким, 350 нафардан ортиқ ўрта ва кичик тиббий ходимлар фаолият кўрсатишаяпти. Шифохона ҳовлиси дид билан экилган гуллар, минглаб туп мевали ва манзарали дарахтлар билан чирой очиб, беморлар соғлигига малҳам вазифасини ўтамоқда.

— Албатта, барча ният ва интилишларимиз беморга нечоғлик ёрдам бераётганимиз билан ўлчанади, - дейди бош шифокор А.Дуобоев. — Дейлик, оиладан бир киши хасталаниб, биздан нажот излаб келди. Ортида эса ўнлаб кўзлар... Шифокорнинг меҳнати ана шу пайтда илғаб бўлмас тарозуга солинади. Ҳар бир шифокор буни яхши билиши керак. Айниқса, физиотерапия, жарроҳлик ва яна бир қатор бўлимлар фаолиятидан барча мамнун. Замонавий аппаратлар муолажа сифатини кескин ошириб юборди. Кейинги пайтда туз ва қум билан даволаш йўлга қўйилган.

Энг асосийси шифокорларга ишлаш учун етарли шароит яратиб берилаётганлигидадир. Бунда шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси Зайрулло Оқбоевнинг хизматлари таҳсинга сазовор. Ҳар бир ходимнинг нафақат ўзи, оиласи ҳам ҳисобда. Кўп фарзандли оилаларга моддий ёрдам берилмоқда.

Дарвоқе, баҳор келиши билан эндокринология диспансери фаолияти ҳам жонланди. Айниқса, бу йил ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жиддий киришилди. 150 туп атиргул, 300 туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Турли спорт беллашувлари, кўрик-танловлар уюштирилди. Бунда касаба уюшма етакчиси Р.Норматов бош-қош бўлди.

Юртинг, юртдошларинг ҳақида ширин гаплар эшитиш нақадар мароқли. Йирик-йирик иншоотлар албатта керак. Шу билан қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб фойдаланишга топширилаётгани мақтовга лойиқ. Шу 5-6 йил мобайнида тоғли Бойсун туманининг Қорабўйин, Пулҳоким, Сариосиё, Мачай, Работ, Тангимуш қишлоқларида қурилган давлат муассасалари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланиб, беморларни даволаш, аҳоли соғлигини вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб туришда жуда-жуда асқотмоқда. Д.Неъматуллаев, Х.Саидов, Х.Исахонова, Б.Норбоева, К.Умронова, К.Қодиров, Н.Шоимардонов, Б.Норматов сингари шифокорлар меҳнатидан шаҳарликлар ва қишлоқ аҳли жуда-жуда мамнун. Чунки янгидан қурилган шифохоналар ўз афзаллиги, ишлаётган ходимларнинг фаолияти йўналишининг янгича услубда эканлиги билан кишиларни ўзига жалб этмоқда.

Врач кечаги олган билими ва тажрибаси билан кифояланиб қола олмайди. Айниқса, қишлоқ шифокорлари. Чунки у бир неча тиббий мутахассисликни эгаллаши даркор. Шунинг учун шароитдан келиб чиқиб, қайта тайёрлаш, малака ошириш марказлари фаолиятига жиддий эътибор қаратилмоқда. Йилига бир маротаба тажриба синовлари ўтказилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Алишер РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Давлат мулки қўмитасининг 2.05.03 й.01/ 30-406 сонли буйруғига асосан шу йил 24 май соат 16:00 да Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Абу Исо имом Термизий номли 47-А.Т.К акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтади

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
3. Жамиятнинг ижро этувчи органини тайинлаш.
4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомини тасдиқлаш.
5. Бошқа ҳар хил масалалар.

Манзил: Сурхондарё вилояти Шеробод шаҳар Б.Нозим кўчаси, 56-уй. Автокорхона маданият саройи биноси

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари Марказий қўмитаси ва Фарғона вилоят қўмитаси «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятининг бошқарув раиси

Ғанижон АКРОМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373.